

3-5-2019

On the textological study of the "Badoe'u-l-vasat"

Namozova Zilola Bozorovna
zilola1711@gmail.com

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud

 Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#)

Recommended Citation

Bozorovna, Namozova Zilola (2019) "On the textological study of the "Badoe'u-l-vasat"," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 1 , Article 9.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss1/9

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК //
 ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ТЕКСТОЛОГИЯ //
 SOURCE STUDY AND TEXTOLOGY

НАМОЗОВА ЗИЛОЛА

Таянч докторант, ҚарДУ

**“Бадоеъу-л-васат” девонининг текстологик
тадқиқига доир**

Аннотация. Тадқиқотнинг кириш қисмида Навоий лирикасининг XX асрда текстологик ўрганилиши натижасида илк тўлиқ наирнинг яратилиши, унинг кейинги наирлар ривожигаги ўрни кабилар келтириб ўтилади. Шу билан бирга, Алишер Навоий лирик меросини матншунослик нуқтаи назардан ўрганишида профессор Ҳамид Сулаймоннинг катта жонбозлик кўрсатгани, олим яратган илк наирда бир қатор ютуқлар билан бирга, нуқсонларнинг учраши, бунинг сабаблари кўрсатилади.

Наирлардаги тафовутларнинг ортиб бориши, наирларнинг ўзгаришига учраб бориши, бунинг туб илдизини аниқлаш ва муаммага ечим излаш мақсад қилиб қўйилган.

Наирлараро тафовутларни аниқлашида қиёсий, тарихий-қиёсий, анализ ва синтез, конкретлаштириши методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг натижа қисмида Навоий куллиёти таркибига киритилган “Бадоеъу-л-васат” девонининг бугунгача яратилган 4 муҳим наири ўртасидаги мавжуд тафовутлар аниқланган. Бугунги кунгача яратилаётган наирлар XVI аср қўлёзмасига муқояса қилган ҳолда текишилган ва натижада, бугунги кунгача яратилаётган наирларнинг тўла мукамал эмаслиги аниқ фактлар асосида далилланган. Бунинг туб илдизи эса танқидий матннинг яратилмаганлиги, Ҳамид Сулаймон томонидан яратилган йиғма матн эса бундай вазифани бажара олмаётгани таъкидланган.

“Бадоеъу-л-васат” девонининг наирлари Ҳамид Сулаймон томонидан фойдаланилган XVI асрда кўчирилган қўлёзмалардан бири билан қиёсланган ва улар ўртасидаги жиддий тафовутлар аниқланиши билан бирга, кичик асар мазмун, шакли ёки ҳар иккисига бўлган таъсирини инобатга олган ҳолда классификацияланган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида Ҳамид Сулаймон томонидан қўлёзмалар тўпла-ниб, танқидий ёндашилган бўлса-да, олимнинг бошлаган ишлари вафоти сабабли яқунланмай қолгани, натижада, куллиётнинг танқидий матн вазифасини илк тўлиқ наир бажариб келаётгани баён қилинган. Бугунги кунда барча соҳалар кенг ривож топаётган даврда, наирларни қайта мукамаллашган шаклини яратиши масаласи пайдо бўлгани хулоса сифатида берилган. Ушбу муаммоларнинг ягона ечими эса олим бошлаган танқидий матн яратиши масаласини ҳал этиши, бунда эса Ҳ. Сулаймон тўплаган тажрибалардан фойдаланиши таъкидланган.

Таянч сўз ва иборалар: наир, текстологик тадқиқ, қўлёзма, ривожланиши, тафовут, тасниф.



Аннотация. Во введении исследования впервые приводятся сведения о создании первого издания текстологического изучения лирики Навои в XX веке, его роли в разработке последующих изданий. Вместе с тем, раскрывается большой интерес профессора Хамида Сулеймана к изучению лирического наследия Алишера Навои с точки зрения текстологии, наряду с достижениями показаны и недостатки, а также их причины при создании первого издания учёного.

Целью исследования является увеличение различий в изданиях, наличие изменений в изданиях, выявление причин проблемы и поиск решений.

При определении различий использовались сравнительные, историко-сравнительные методы, методы анализа, синтеза и конкретизации.

В заключительной части исследования выявлены существующие различия между четырьмя основными изданиями «Бадоеъ-л-васат» («Диковины среднего возраста»), который является частью наследия Навои. Издания, опубликованные до сегодняшнего дня, были сопоставлены с рукописями XVI века и в результате этого было доказано, что созданные до настоящего времени все эти издания не очень совершенны. Основной причиной этого является отсутствие критического текста, а сборник текстов, созданный Хамидом Сулейманом, не может выполнять эту задачу.

Издания дивана «Бадоеъ-л-васат» («Диковины среднего возраста») сравнивались с одной из рукописей XVI века, использованной Хамидом Сулейманом. В результате выяснилось, что они не только имеют серьезные различия между собой.

В заключении исследования подчёркнуто, что хотя рукописи Хамида Сулеймана были собраны и подвергнуты критическому анализу, работа ученого в связи с его смертью была не завершена, первое полное издание выполняет роль критического текста наследия. На сегодняшний день, когда широко развиваются все сферы жизни, в качестве вывода возникает вопрос создания совершенной и новой формы изданий. Единственное решение данной проблемы – это создание критического текста, начатого учёным и использование опыта Х. Сулеймана.

Опорные слова и выражения: публикация, текстовый анализ, рукопись, разработка, разделение, классификация.

Abstract. The information about the creation of the first edition of the textual study of the lyrics of Navoi in the 20th century and his role in the development of subsequent editions is given in the introduction of the study for the first time. At the same time, the great interest of Professor Hamid Suleiman to the study of the lyrical heritage of Alisher Navoi from the point of view of textology along with the achievements and shortcomings is revealed, as well as their reasons for creating the first edition of the scientist.

The purpose of the research is to increase the level of publications, to make changes in the publications, to identify the roots of the problem and to find solutions.

Comparative, historical-comparative, analysis and synthesis, concretization methods were used in the definition of inter-personal differences.

The findings of the study revealed the existing differences between the four major publications of the “Badoye`u-l-vasat” publication, which is part of Navoi’s heritage. The publications, published up today, have been compared with the manuscript of the 16th century and, as a result, all the publications have been found not so perfect. The main reason of it is the absence of critical text and Hamid Suleyman’s collection of the texts cannot solve this problem.



The works of “Badoye`u-l-vasat” have been compared with one of the manuscripts of the 16th century, used by Hamid Sulayman, and as a result, a lot of serious differences between them were found out.

In the conclusion of the study, Though Hamid Sulaiman's manuscripts have been collected and critically analyzed, his work were not completed by the reason of his death and the first publication performs the function of critical text. Nowadays, when there are widespread developments in all spheres of life, the matter of creating a renewal edition has been raised. The only solution is to solve the problem of the critical text by completing the work which the scientist has begun, using his experience.

Keywords and expressions: *publication, development of publications, textual analysis, manuscript, development, division, classification.*

Кириш. Алишер Навоий лирикаси жамланган “Хазойину-л-маоний” куллиёти туркий адабиётимизда алоҳида ўрин тутади. Унда жамланган шоирнинг лирик мероси ҳам бадий жихатдан, ҳам мазмунан жуда бой бўлиб, полифоник хусусиятга эга. Қолаверса, ўз замондош ижодкорлари ва мунаққидлари ҳам камчилик топа олмаганини “Бадоеъу-л-бидоя” дебеча-сида таъкидлаб ўтади. Бундан кўринадики, ижодкор ўз асарлари устида жиддий ишлаган, қайта-қайта таҳрир қилган.

Орадан кўп асрлар ўтиши билан қўлёмаларнинг нусхаланиши, котибларнинг эҳтиётсизлиги, табдил ёки нашр натижасида ёки бошқа бир сабабга кўра асар мазмуни ё шаклига жиддий таъсир этувчи бир қатор тафовутлар юзага келган. Шоир лирикаси нашр этилган давр ва ундаги мафкура, сиёсий қарашларни сингдирган ҳолда таҳлил ва талқин қилинган (Ҳамид Сулаймон нашри нисбатан тўлиқ бўлишига қарамай, у ҳам ғоявий таҳрирдан мустасно эмас). Бунинг исботи ўлароқ, девонлардаги ҳамд ва наът шаклидаги ҳамда тасаввуфий ғоялар яққол кўзга ташланиб турган шеърлари нашрлардан тўлиқ ёки баъзи байт ва мисраларини олиб ташланганлигидир. Шоир асарларидаги тасаввуфий-фалсафий қарашларни мавжуд бўлган сиёсий мафкурага бўйсундирган ҳолда талқин этиш, айниқса, Собик иттифоқ даврида кенг тус олди.

Бироқ “давр талаб этган” ғоя ва мафкураларни Навоий лирикасига ҳам мажбуран сингдириб талқин қилиш ҳоллари сақланиб қолаверди. Мафкура талаб этган ғоялар мажбуран “сингдирилиб” ўрганилаверди. Давр такозо этган мафкура қобиғига ўрашнинг иложи бўлмаган шеърлари эса на ўрганилди, на халққа етказилди. Бундай шеърлар эълон қилинмасдан қолди. Буюк шоир шеърлятига етказилган бундай оғир жароҳатларни “Хазойину-л-маоний”нинг собиқ империя давридаги нашрларида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик давридаги нашрлар бир қадар мукаммаллаштирилди. Бироқ бу давр нашрлари ҳам мавжуд нашрлар асосида яратилганлиги, танқидий матннинг яратилмаганлиги ва бундай вазифани кўплаб нуқсонлардан холи бўлмаган илк тўлиқ нашр бажариб келаётгани сабабли мукаммал деб бўлмайди. Масалан, “Хазойину-л-маоний”нинг 1960 йилдаги нашрида бир неча ғазаллар тушириб қолдирилган, яна бир қанча байт ва мисралар баъзи ўринларда туширилган



бўлса, баъзи шеър, байт, мисра ёки сўз атай алмаштирилган. Бундай фикрларни куллийтнинг барча девонлари ҳақида айтиш мумкин.

Илк нашрнинг қайта-қайта чоп этилиши натижасида ҳам нашрлар у ёки бу даражада депрессияга учраб борди. Юқоридаги фикрларимиз исботини “Бадоеъу-л-васат” девони нашрларини матний солиштириш натижасида ҳам кўриш мумкин.

Мақсад ва вазифа. Биз нашрлараро тафовутларни аниқлаш мақсадида “Хазойину-л-маоний”нинг 1959–1960 йилларда Порсо Шамсиев таҳрири остида алоҳида китоб шаклида чоп этилган 4 жилдлик нашри, 1963–1967 йиллардаги 15 жилдлик “Асарлар”нинг 1, 2, 3, 4-жилдлари, 1990 йил С. Муталлибов муҳаррирлигида нашр этилган Алишер Навоийнинг 20 томлик Мукамал асарлар тўпламининг 3, 4, 5, 6-томлари, 2011 йилда Иброҳим Ҳаққул муҳаррирлигида буюк ижодкорнинг 10 жилдлик “Тўла асарлар тўплами”нинг 1, 2, 3, 4-томларини ўзаро солиштириб чиқдик ва улардаги матний тафовутларнинг ўрни ҳамда тафовутланаётган бирликнинг мазмун ва шаклга кўрсатаётган таъсирини ҳисобга олган ҳолда таснифладик¹:

1. Девондаги шеърларнинг тўлиқ тушиб қолиши;
2. Байтларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашиши;
3. Мисраларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашиши;
4. Сўз имлоси ва сўз қўллаш билан боғлиқ тафовутлар;

Ушбу тадқиқот ўз олдига “Бадоеъу-л-васат” девонининг йирик нашрлари ва қадимий қўлёзмасини қиёсий ўрганиш орқали юқоридаги тасниф-тавсифини яратиш, нашрлараро ва қўлёзма ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатишни мақсад қилиб олган.

Усуллар. Биз нашрлараро фарқларни аниқлаш мақсадида, “Хазойину-л-маоний” девонлар мажмуасининг 3-девони – “Бадоеъу-л-васат”нинг дастлаб 4 йирик нашрини кирилл алифбосининг дастлабки ҳарфлари билан белгилаб олдик. Уларни қиёслаш методи асосида солиштириб, ўзаро фарқларни аниқладик ҳамда анализ ва синтез, конкретлаштириш методлари ёрдамида таснифладик. Нашрлар ичида Г нашр нисбатан мукамал эканлиги аниқлангач, Ҳамид Сулаймон фойдаланган “Хазойину-л-маоний” қўлёзмаларидан бири – Ўз ФА ШИда сақланаётган инв. № 677 XVI аср қўлёзмаси билан тарихий-қиёсий метод асосида солиштирдик.

Натижа ва мулоҳаза. Бу таснифимиз Алишер Навоийнинг гўзал лирикаси мажмуи бўлмиш “Хазойину-л-маоний”даги шеърларнинг бадиий

¹ Note: We used 4 editions in the comparison process and identified them as follows: 1.. A.Navoi. Khazoyinul maoni. 4 volumes. 3 vol. Tashkent, publ. "Academy of Sciences of Uzbekistan", 1960. 777 p. We have received it as A; 2. A.Navoi. Works. 15 volumes. Volume 3, Tashkent, Publ. "Fiction Literature". 1965. 416 p. We have marked it as B Edition. 3. A.Navoi. Complete collection of works. 20 volumes. Volume 5 Tashkent, publ. "Fan". 1990. 470 p. We have received it as V copies; 4. A.Navoi. Complete Collection of Works. Hassoon is universal. We have 10 volumes. Volume 1. Tashkent, publ. Publisher-publishing house named after Gafur Gulyam. 2011. 804 We have received them by G publications.



кимматини сақлаб қолишни назарда тутати. Шу сабабдан ушбу тафовутларнинг ҳар бир турига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз¹:

1. Девондаги ғазалларнинг тушиб қолиши. Тадқиқ этилаётган нашрларнинг эътиборли жиҳати шундаки, улар бир-биридан ҳажм хусусиятига кўра фарқланади. Масалан, А нашр 1–2-девонларнинг ҳар иккаласидан 80–81-ғазаллар – жами 4 ғазал, 1-девондан 24, 27, 28-қитъалар, 3-девондан 6 ғазал, 4-девондан 3 ғазал – жами 13 ғазал атайин (сиёсий тазйиқ туфайли – муаллиф изоҳи) тушириб қолдирилган, “Бадоеъу-л-васат”да 509 ва “Фавойиду-л-кибар”даги 443-муламмаъ (ўзбекча-арабча) ғазаллар ўринсиз тушириб қолдирилган. Б нашрда эса чорак қисм лирика нашр этилмаган. Масалан, “НШ”да 293 та ғазал, 1 та мухаммас, 30 та қитъа тушириб қолдирилган. “Боғаро гўё...” деб бошланувчи 644-ғазал охириги ғазал бўлиб келган. Кам ҳажмдаги муаммо, мустазод, таркиббанд, мусаддас, таржибанд жанридаги шеърлар эса тўлиқ келтирилган. “БВ”да эса 286 та ғазал, 1 та мухаммас, 1 та мусаддас, 40 та қитъа тушириб қолдирилган. Мустазод, таржибанд, қасида, чистон ва туюқ жанридаги шеърлар тўлиқ келтирилган. Ушбу нашрнинг қолган китоблари ҳақида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

В ва Г нашрларда эса юқоридаги нашрлардан муайян сабаблар туфайли тушириб қолдирилган шеърлар тикланган. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамыз:

*Ваҳки чиқди отланиб бир маст лояқил йигит,
Сарвдек елдин от узра ҳар тараф мойил йигит.*

байти билан бошланувчи “БВ”даги 9 байтли 80-ғазал,

*Ваҳ қаён борди бузуқ кўнглумни зор этган йигит,
Жавр тиги бирла кўксумни фиғор этган йигит.*

байти билан бошланувчи “БВ”даги 9 байтли 81-ғазал ҳамда:

*Қориган вақтда бир тифлга шайдо бўлдум
Ким, гамидин қорию тифл аро расво бўлдум.*

байти билан бошланувчи шу девон нашрларидаги 7 байтли 427-ғазал мазмуний жиҳатдан нотўғри талқин қилинганлиги сабабли А нашрдан тушириб қолдирилган. Кейинги нашрларда бу жиддий хатоликлар бартараф этилган. Шунингдек, 496, 509-ғазаллар ҳам А нашрдан тушириб қолдирилган. Ушбу ғазалларнинг ҳеч қайсиси Б нашрда ҳам учрамайди.

2. Байтларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашилиши. Баъзан маълум бир байтнинг турли нусхаларда турли ўринда келиши ҳоллари ҳам кузатилади.

А ва Б нашрлардаги “БВ”нинг 173-ғазалидаги ушбу 2-байт:

¹ Note: We have demonstrated publishing distinctions, for example, in the full edition of the “Badoye'u-l-vasat” Devon.



*Бир ҳумоюн қуш кеча садқанг бўлур, эй муғбача,
Қоф анқосимудур ё дайр хуффошимудур?*

В ва Г нашрларда 4-байт бўлиб келган. Шу девондаги 323-ғазалнинг

*Айш вақтини бил ганиматким, эрур дам ушбу дам,
Чарх эрмас фавт бўлган вақтни ёндурғудек.*

байти А ва Б нашрларда 4-байт, Б ва В нашрларда эса 6-байт бўлиб келган. Шу ғазалнинг:

*Синса кўнглум, не ажабким сангборони фироқ,
Бўлди ҳамлиқ жисм уйин ҳар соридин синдурғудек.*

байти А ва Б нашрларда 5-байт, В ва Г нашрларда эса 4-байт бўлиб келган.

*Ҳажри зульмига чидармен, ўлғали йўқ, англасам
Ким, эрур қатлимга ул жон-у жаҳон қайғурғудек.*

байти эса А нашрда 6-байт, кейинги нашрларда 5-байт бўлиб келган.

Нусхалараро солиштирганимизда, кўзга ташланган яна бир фарқ бирор байтнинг нусхалардан бирида учрамаслигидир. Масалан, “БВ”даги 44-ғазалнинг ушбу:

*Кўзум оллидадур лаълинг хаёли,
Эмас киртиқларим остида хуноб.*

5-байти А нашрда учрамайди. Б, В, Г нашрларда тикланган. “БВ”даги 83-ғазалнинг ушбу 3-байти:

*Бода паймо зоҳид ўлса душман, эрматур ганим,
Менки бўлдум бир ҳарифи бода паймо бирла дўст.*

В нашрдан тушириб қолдирилган. Бу байтни негадир Г нашрда ҳам учратмаймиз. 460-ғазал мактаъси, яъни ушбу байт:

*Эй Навоий, назм мулки чун сенингдур айлагил,
Шоҳ Ғозий васфи ичра тилни қойил ҳар замон.*

А ва Б нашрлардан тушиб қолган. Бизнингча, Ҳ. Сулаймон асослаган қўлёзмалар нусхаларида келтирилмаган ёки нашрда тушириб қолдирилган.

3. Мисраларнинг ўрин алмашилиши ва тушиб қолиши. Баъзи ҳолларда мисранинг ўзаро ўрин алмашилиб қўлланганини ёки бутунлай тушиб қолганини кузатиш мумкин. М-н, “БВ”даги 116-ғазал 2-байти:

*а) жаҳон раъносига берма кўнгулким,
б) анга олдурмамиш кўнглин хирадманд.*



А нашрда [б,а], В ва Г нашрларда эса [а,б] тарзида қўлланган. Б нашрда ғазал туширилган. Бунда ғазалнинг шаклий томони (кофия) бузилишини кўриш мумкин. “БВ”даги 278-ғазалнинг учинчи ва бешинчи байтларидаги иккинчи мисралар (*Дардманд этгайму, оё дилситонимни мараз*) А нашрда деярли бир хил: учинчи байтдаги “оз” сўзи бешинчи байтда “оё” билан алмашган, холос.

Ушбу байтлар В ва Г нашрларда қуйидагича келтирилган:

*Гар маразнинг лозими дард ўлди, билмон, эй кўнгул,
Дардманд этгайму, оё дилситонимни мараз.
Дардлик кўнглум ҳалокин истарамким кўйида,
Йиқмиш ул овораи бехонумонимни мараз.*

А нашрда “БВ”даги 434-ғазалнинг 6–7-байтлари (12 ва 14-мисралари)да ҳам бундай тафовутлар мавжуд:

*Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ, эй рафиқ,
Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.
Эй, Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида,
Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.*

Б, В, Г нашрларда бу нуқсон қуйидагича тузатилган:

Ким, мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим.

4. Сўз имлоси ва сўз қўллаш билан боғлиқ тафовутлар. Сўз қўллаш ва уларнинг ёзилиши билан боғлиқ фарқлар ҳам учраб турадики, улар баъзида шаклга, баъзан мазмунга таъсир этади. Бундай фарқларни шу жиҳатдан 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1) *Фақат шаклга таъсир этувчи фарқлар.* Масалан, “БВ”даги 43-ғазалнинг 5-байтини кузатайлик:

*Кишики ... ишқ ичра ўздин олди ҳисоб,
Бу муддаога агар олмагай эмас маҳсуб.*

Нуқталар ўрнига А ва Б нашрларда *даъвий*, В ва Г нашрда *даъвои* келтирилган.

Баъзан сўз ёки қўшимчанинг тарихий эмас, балки бугунги шаклини қўллаш ҳоллари ҳам кузатилади. Масалан, “БВ”даги 61-ғазалнинг 4-байтини қиёслаймиз:

А, Б: *Сурса майдон ичра ҳар чобук, югурмоқдур ишим,
Кенича, ул чобуки зарринкамар бўлгайму деб.*
В: *Сурса майдон ичра ҳар чобук, югурмоқдур ишим,
Кейинича, ул чобуки зарринкамар бўлгайму деб.*
Г: *Сурса майдон ичра ҳар чобук, югурмоқдур ишим,
Кейинича, ул чобуки зарринкамар бўлгайму деб.*



Тафовутланган сўзнинг В нашрдаги шакли аруз меъёрларига мос эмас. Агар бу вариант қўлланса, *фоилотун* рукни *мафоилунга* айланади. Бундай тил тараққиёти билан боғлиқ нусхаларда кўп учрайдиган тафовутларнинг баъзиларини келтириб ўтамыз:

А ва Б нашр	В нашр	Г нашр
сори	сари	сори/сари
яро	яра	ёра /яро
давийи	давои	даъвои
пари	парий	парий
балоу	балову	балову
қаро	қора	қаро
сарриштау	сарриштаи	сарриштаи

Юқоридаги мисоллар “БВ”даги 111, 115, 129, 131, 132, 142-ғазаллардан келтирилган бўлса-да, сўзларнинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ нашрлараро тафовутларнинг миқдоран энг кўп қўлланадиганлари сирасига кирди ва кўрсатилган нашрларнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Шу сабабдан, биз юқорида келтирган тафовутланаётган сўзлар нашрларда умумий хусусият касб этади. Уларда қуйидагича товуш алмашилишлари бўлган: о-а; а-о; у-ву; у-и; э-и; ғ-йғ;

Фақат шаклга таъсир этувчи фарқлар ичида имло билан боғлиқ фарқлар ҳам борки, бундай тафовутлар¹ “БВ”даги 55-ғазалнинг 4-байти (*биноғўш/ баногўш/ баногўши*), 64-ғазал 7-байти (*этмай/ этманг/ этманг*), 69-ғазал 11-байти (*авқотин/ авқотим/ авқотим*), 71-ғазал 2-байти (*қилмасен/ қиласен/ қиласен*), 92-ғазал 4-байти (*ихтиёж/ эҳтиёж/ эҳтиёж*), 93-ғазал 8-байти 122-ғазал 6-байти (*титрамау /титратмаву/ титратмаву*), 124-ғазал 2-байти (*бишурмак/ пишурмак/ пишурмак*), 173-ғазал 3-байти (*гулрухмудур/ гулрухумдур*), 175-ғазал 2-байт (*тахаррук/ таҳаррук/ таҳаррук*), 108-ғазалнинг 5-байти (*гунбази/ гунбади/ гунбади*), 112-ғазал 6-байти (*даъви(й)/ даъво/ даъво*), 119-ғазалнинг 4-байти (*нашоту/ нишоту/ нишоту*), 120-ғазалнинг 1-байт (*кочи/ Кожи/ кожи*)да ҳам учрайди. Бу тафовутлар мазмундан кўра кўпроқ шаклга, яъни вазнга таъсир этганини кўрамыз. Ёки тарихийлик принципнинг бузилишига сабаб бўлади.

2) Фақат мазмунга таъсир этувчи фарқлар. Бундай тафовутлар ичида сўзларни ёки қўшимчани кўшиб ёки ажратиб ёзиш алоҳида аҳамиятлидир. Бундай тафовутлар сўзларнинг ноўрин кўшиб ёки ажратиб ёзилиши натижасида келиб чиқади ва улар мазмуннинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. “БВ”даги 28-ғазалнинг 6-байти А нусхада қуйидагича келтирилган:

*Бу гулшан ичра беҳбуд истаган доим беҳи янглиг,
Ки еб пашмина тоатқа қадин ҳам асрамоқ авло.*

¹ Note. Since the B edition was incomplete and almost identical with the publication, we showed the differences in A, B and G in the brackets.



Б, В, Г нашрларда эса жиддий хатолик бартараф этилган:

*Бу гулиан ичра беҳбуд истаган доим беҳи янглиз
Кийиб пашмина тоатқа қадин ҳам асрамоқ авло.*

Ёки шу девондаги 232-ғазалнинг 3-байти Х. Сулаймон нашрларида куйидагича келтирилган:

*Ул қуёш чиқмай солур чарх узра юз тархи жафо,
Ваҳ, бор эрмиш хусн шоҳини бало олий асос.*

В ва Г нашрларда эса:

*Ул қуёш чиқмай солур чарх узра юз тархи жафо,
Ваҳ, бор эрмиш хусн шоҳи, не бало олий асос.*

Бундай тафовутланган сўзларни жуда кўп учратиш мумкин¹. Масалан, “БВ”даги 69-ғазал 2-байти (*жинну/ жин-у/ жину*), 93-ғазалнинг 5-байти (*гулқандинг/ гул қандинг/ гулқандинг*), 99-ғазалнинг 2-байти (*тарабангез/ тараб ангез/ тарабангез*), 126-ғазалнинг 7-байти (*тарона густар/ тарона-густар/ таронагустар*), 137-ғазалнинг 9-байти (*бода нўшум/ боданўшум/ боданўшум*), 141-ғазалнинг 1-байти (*жоши нўш/ жошинўш/ жоши нўш*), 146-ғазалнинг 6-байти (*хасм кушдур/ хасмкушдур/ хасмкушдур*), 154-ғазал 1-байти (*бинафшаэ дурур/ бинафшаэдурур*), 159-ғазал 5-байти (*форуз болдур/ форузболдур*), 161-ғазал 3-байти (*бердиким/ берди ким*), 163-ғазал 3-байти (*сарви нозу/ сарвинозу*), 466-ғазал 1-байти (*жаҳон афрўздин/ жаҳонафрўздин*) ва 5-байтлари (*даст омуз/ дастомуз*) ва бошқа байтларда бундай хатоликларни кўриш мумкин.

Ёки сўз қўллаш билан боғлиқ хатоликларга эътибор берайлик:

*Йўқ... дунёда вафо, эй сарсари дашти фано,
Гарди нисён совуруб дунёву мофиҳога соч.*

Ушбу “БВ”даги 97-ғазалнинг 8-байтидаги нукталар ўрнига А нашрда -чу, В нашрда -у, Г нашрда эса -бу қўлланган. Агар тафовутнинг В варианты қўйилса, мазмун бутунлай тескари чиқади. Ёки шу девондаги 151-ғазалнинг 2-байтига эътибор берайлик:

*А ва Б: Ишқ дарси ичра сўрсам нукта савдо аҳлидин,
Турраси тобига чун битсам саволим чирмашур.
В: Ишқ дарси ичра сўрсам нукта савдо аҳлидин,
Турраси тобига чун есам саволим чирмашур.
Г: Ишқ дарси ичра сўрсам нукта савдо аҳлидин,
Турраси тобига чун етсам, саволим чирмашур.*

¹ Note: The words in brackets are the first word in the A and B editions, the second one is in the V and the third is in the G edition. The second word in the second word is A and B, the other is typical for V and G.



Шу ғазалнинг 5-байтида эса А ва Б нашрда *ишқи бежоним*, В нашрда *ишқи печоним*, Г нашрда *ишқпечоним* сўзлари келтирилган:

*Зулфию қаддини кўр, эй богбон, кўп демаким,
... била раъно ниҳолим чирмашур.*

12-ғазалнинг 4-байти А ва Б нашрда қуйидагича келтирилган:

*Ёрким, мундоқ ниҳондур кўздину мен телбамен,
Ким дегайким, пашша бўлгон насли оламдур манго.*

Худди шу байт В ва Г нашрларда бундай келтирилган:

*Ёрким, мундоқ ниҳондур кўздину мен телбамен,
Ким, дегайким, фитна бўлган насли одамдур манга.*

Ёки “БВ”даги 216-ғазалнинг 8-байти А нашрда:

*Менда ҳижрон дардию йўқ васл, бори дўстлар,
Чорае гар қилсангиз, жуз жому саҳбо қилмангиз.*

В ва Г нашрларда эса бундай:

*Менда ҳижрон дардию йўқ сабр, бори дўстлар,
Чорае гар қилсангиз, жуз жому саҳбо қилмангиз.*

“БВ”даги 227-ғазалнинг 7-байти В ва Г нашрларда қуйидагича келтирилган:

*Гар Навоий ёрнинг васлин таманно қилса бор,
Уйлаким, бўлғай гадо кўнглида шоҳ ўлмоқ ҳавас.*

Ушбу байтдаги *шоҳ* сўзи А нашрда *шод* тарзида берилган.

Ёки “БВ”даги 187-ғазалнинг 3-байти А нашрда:

*Туну кун оқу қаросин найлайин менким, манга
Орзу бир дахза сабзу орази гулфомдур.*

тарзида келтирилган бўлса, В нашрда эса:

*Туну кун оқу қаросин найлайин менким, манга
Орзу бир хамма сабзу орази гулфомдур.*

деб ўзгартирилган. Г нашрда бутунлай бошқача:

*Туну кун оқу қаросин найлайин менким, манга
Орзу бир хатти сабзу орази гулфомдур.*

Ёки 200-ғазалнинг 1-байти А ва В нашрларда:

*Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанода истангиз.*



тарзида берилган. Ушбу байтнинг Г нашрда берилишига эътибор берайлик:

*Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти анода истангиз.*

Бизнингча, “дашти фано” тўғри вариантдир. “БВ”даги Сўз қўллаш билан боғлиқ тафовутларнинг байт ёки бутун бир ғазал мазмунига жиддий таъсир қилганини бошқа бир қатор ўринларда ҳам кўриш мумкин. Масалан: 9-ғазал 5-байти (*мусаввар/ мусаввир/ мусаввир*), 12-ғазал 4-байти (*фитна/ паиша/ фитна*) ва 6-байти (*нақши хотамдур/ нақши холамдур/ нақши хотамдур*), 13-ғазал 7-байти (*иқд/ ақд /ақд*), 28-ғазал 3-байти (*андо/ амдо/ амдо*), 38-ғазал 4-байти (*ийла/ ила/ ила*), 44-ғазал 3-байти (*кийсам/ кессам/ кессам*), 45-ғазал 9-байти (*шевасидур/ саждасидур/ саждасидур*), 51-ғазал 4-байти (*буйира/ буройи/ бу раъйи*), 56-ғазал 5-байти (*айланиб/ ийманиб/ ийманиб*) ва 7-байти (*сиқилмоқдур/ йиқилмоқдур/ йиқилмоқдур*), 58-ғазал 2-байти (*асл/ усл/ асл*), 63-ғазал 5-байти (*шиқи бежон/ шиқи печон/ шиқпечон*), 68-ғазал 8-байти (*шаянлиллоҳ/ шаялиллоҳ/ шаялиллоҳ*), 69-ғазал 3-байти (*бирандо/ бировни/ бир андо; тавогар/ тавогар/ тавонгар*) ва 4-байти (*зийнат/ зинат/ зийнат*), 70-ғазал 1-байти (*шангарфи/ шингарфи/ шингарфий*) ва 3-байти (*шиоийдин/ шуглидин/ шуглидин*) ҳамда 7-байти (*кўк/ кўп/ кўп*), 83-ғазал 5-байти (*айвонида/ ҳижронида/ ҳижронида*), 84-ғазал 2-байти (*эттим/ иттим/ иттим*), 90-ғазал 6-байти (*юрдунг/ эвурдунг/ эвурдунг*), 375-ғазал 5-байти (*унқуч/ унтуж/ унтуж*), 380-ғазал 1-байти (*то доғи/ нодоғи/ не доғи*), 441-ғазал 6-байти (*юрун/ бурун/ юрун*), 445-ғазал 3-байти (*эркин/ ҳар ким/ ҳар ким*), 449-ғазал 5-байти (*елида/ ерида/ ерида*), 450-ғазал 5-байти (*зарқ/ зарқ*), 454-ғазал 10-байти (*гамза/ умр/ умр*) кабилар.

3) Шакл ва мазмунга бирдек таъсир қилувчи фарқлар. Матнда кўшимча ёки сўзнинг тушиб қолиши, орттирилиши ёки ўзаро ўрин алмашилиши ҳолларини ҳам кўриш мумкин. Масалан, “БВ”даги 174-ғазалнинг 6-байти А ва Б нашрда:

*Озими дашти фано бўлдум, келур Мажнун доғи,
Гар қадам урмон ондиндурки, ҳампойим келур.*

В ва Г нашрларда:

*Озими дашти ано бўлдум, келур Мажнун доғи,
Гар қадам тез урмон ондиндурки, ҳампойим келур.*

тарзида келтирилган. Кейинги нашрларда “тез” сўзини қўллаш билан вазн бузилиши ҳолати баргараф этилган, бироқ В ва Г нашрларда “дашти ано” сўзи хато қўлланган. Ёки шу девондаги 389-ғазалнинг 3-байтида ҳам шундай тафовутни кўриш мумкин:

*Б: Ўқунг кўринмас эса пора-пора кўнглум аро,
Не тонгки, куярга кабоб эрур ҳойил.*



*В: Ўқунг кўринмас эса пора-пора кўнглум аро,
Не тонгки, сих куярга кабоб эрур ҳойил.*

*Г: Ўқунг кўринмас эса пора-пора кўнглум аро,
Не тонгки, сих кўрарга кабоб эрур ҳойил.*

Б нашрда ушбу ғазал келтирилмаган. Мазмун ва шаклга бирдек таъсир этувчи фарқлардан яна бири бу – сўзларнинг ўрин алмашилишидир. “БВ”даги 288-ғазалнинг 8-мисраси А нашрда қуйидагича келтирилган: “*Бежурм тифлинг ўлгани кониъ дурур жаза*”. Шу мисра В ва Г нашрларда эса “*Бе журм тифлинг ўлганига недурур жазаъ*” тарзида келган. “БВ”даги 414-ғазал мақтаъсидаги 2-мисра А нашрда “*Азимат этки, эрур анда хушироқ – ўқ эканим*” тарзида берилган. Бироқ В нашрда “*Азимат этки, эрур хушироқ анда-ўқ эканим*” деб берилган. Г нашрда ҳам шундай (вазни: мафоилун/ фаилотун/ мафоилун/ файлун). Ёки “БВ”даги 457-ғазалнинг 1-байти А нашрда:

*Манга ҳар нечаким йўқ захра урмоқ дам висолингдин,
Ва лекин жом олурмен улча мумкиндур хаёлингдин.*

шаклида келган. В ва Г нашрларда эса байтдаги “урмоқ дам” ифодаси “дам урмоқ” тарзида келган.

“БВ”даги 243-ғазалнинг 6-байтида ҳам сўз қўллаш, ҳам сўзларнинг ўрин алмашилиши билан боғлиқ тафовутлар учрайди:

А: Фурқатингдин ўлмаган бўлсам эмас мендин гунаҳ,

Чарх они комим кўруб саъйида иҳмол айламиш.

В: Фироқингдин ўлмаган бўлсам эмас мендин гунаҳ,

Чарх ани комим кўруб саъйида иҳмол айламиш.

Г: Ўлмаган бўлсам фироқингдин эмас мендин гунаҳ,

Чарх ани комим кўруб саъйида иҳмол айламиш.

Б нашрда бу ғазал берилмаган. Вазннинг ва мазмуннинг бузилишига қўшимча ёки изофаларни қўллаш билан боғлиқ тафовутлар ҳам сабаб бўлганини “БВ”даги 104-ғазалнинг 5-байти (*субҳи узору/ субҳ узор-у/ субҳи узору; субҳу шом/ субҳ шом/ субҳу шом*), 114-ғазалнинг 3-байти (*кавндин/ кавн/ кавндин*), 162-ғазал 6-байти (*кош/ коши/ кош*), 162-ғазал 8-байти (*масту/ мастур/ масту*)да ҳам кўриш мумкин.

“БВ”даги 173-ғазалнинг 5-байти А нашрда қуйидагича келтирилган:

Бозбонким, сарв узра айламиш пайванд гул,

Сарв бўйлуқ гўлруҳмудур, йўқса бўйдошимудур.

Худди шу байт В ва Г нашрларда:

Бозбонким, сарв узра айламиш пайванд гул,

Сарв бўйлуқ гўлруҳмудур, йўқса бўйдошимудур.



тарзида келган. Мазмунан қараганда, А вариант мос келади. Вазн талаби эса кейинги нашрий вариантни тақозо этади. Сўзларнинг ўрин алмашиниши кўп ҳолларда, вазн талаби билан бўлса-да, мазмунга ҳам жиддий таъсир этади.

Атоқли матншуносларимиздан бири В. Раҳмонов “Матнчи масъулияти” мақоласида нашрлардаги хатоликлар ҳақида тўхталар экан, Алишер Навоийнинг бир байтида “ойтти” сўзи эски ёзувдан “ояти” тарзида, бошқа байтида “иси” сўзи “Исо” кўринишида нотўғри ўгирилиб нашр этилганидан куюнади¹.

Нашрлараро тафовутлар куллийнинг қўлёзма манбаларига мурожаат этиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Ҳ. Сулаймон томонидан илмий матн тузишда фойдаланилган 20 та қўлёзмадан бири, ҳозирда Беруний номидаги Шарқшунослик институтида инв. № 677 рақам остида сақланаётган XVI асрда кўчирилган “Хазойину-л-маоний” нусхасини кўздан кечириб чиқдик. Дастлаб, бу қўлёзманинг қисқача тавсифини келтирамиз. Қўлёзманинг охириги варағи сақланмаган². Қўлёзма матни насъталиқ хатида жадвал кўринишида тўрт устун шаклида ёзилган. Қўлёзма жами 244 варақ бўлиб, 7-бетгача дебоча келтирилган.

Қўлёзма кўриниши: қалин, сариқ рангли қоғозда ёзилган. Усти кардондан, қизил лок билан локланган. Нуқсон: охириги варағи йўқ. Бироз жароҳатланган, баъзи саҳифаларида қора доғлар мавжуд.

Матндаги баъзи жанрлар номи, хусусан, туюқ қизил ранг билан ёзилган. Мисралар кетма-кетлиги тағма-тағ эмас, балки ҳар бир устундан битта-битта ўкилади. Ҳазаллар орасида 2 ва 3-устунларда бўш чизиқли жадвал мавжуд, аммо ғазалларнинг тартиб номерлари кўрсатилмаган. Ҳар бир ҳарфдаги ғазалларининг тепасида ҳам ҳеч қандай ном берилмаган.

Қўлёзманинг ўзига хос хусусиятлари ҳам талайгина. Масалан:

- Ё (ع), нун (ن), коф (ك) ҳарфларининг нуқтаси ёзувда баъзи ўринларда қўлланмаган, бироқ улар нуқт шароити ва мазмунан англашилади;
- Баъзан бирдан ортиқ нуқтали ҳарфлар ёнма-ён келганда ишлатилган нуқталар бирдан ортиқ ҳарф учун тегишли бўлган;
- Мим (م) ҳарфи баъзан сўз бошида келганда бе ҳарфи каби текис ёзилган;
- Чим (چ) ҳарфи сўз охирида келганда ҳам нуқталари ҳарф ичига эмас, остига қўйилган ва ҳоказо.

Девоннинг бу қўлёзма нусхасидаги ўзига хосликлар котибнинг ёзув услубини аниқлаш ва натижада, матнни ўқиш жараёнида йўл қўйиш мумкин бўлган хатоликларни бартараф этиш учун хизмат қилади.

Мазкур қўлёзма ҳамда Навоий куллийети нашрлари, хусусан, “Тўла асарлар тўплами”ни қиёсий ўрганганимизда, кўплаб фарқлар аниқланди. Бундай

¹ Rakhmonov Wahab. Responsibility of the translator. Imam al-Bukhari lessons. 2003. No. 2-3. pp. 13-14.

² Alisher Navoi. Khazoyinul maoni. The manuscript. Beruniy Oriental Institute of the Academy of Sciences of Uzbekistan, XVI century. inv. № 677. 247 sheets.



тафовутларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича эканлигини ҳисобга олган ҳолда, биз фақат матнни ўқиш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган баъзи хатоликлар яъни насъталиқ хатидаги шаклан ўхшаш ҳарфлар ва бир хил ёзилувчи сўзларни мазмун ва вазнга қараб танлаб қўйиш билан боғлиқ тафовутларнинг айримларигагина тўхталиб ўтишни лозим топдик.

“Бадоеъу-л-васат” девони қўлёзманинг 127-бетидан бошланади. “Бадоеъу-л-васат” девонининг “Эй навбахору оразинг...” мисраси билан бошланувчи илк ғазалининг 2-байтида қўлланган “сув-у ҳаво” бирикмасидаги вов (و) ҳарфи ё (ع) деб хато ўкилиши натижасида ушбу бирикма нашрларда, хусусан, мазкур нашрда “сую ҳаво” шаклида табдил қилинган¹. Шу ғазалнинг 4-байтидаги “даъвийи меҳринг” сўзидаги “меҳр” сўзи “махр” сўзи билан бир хил ёзилиши сабабидан мазкур ифода нашрда “даъвои маҳринг” тарзида келтирилган ва мазмун жиддий ўзгарган. Шу ғазалнинг 6-байтида қўлёзмада “кўнглумга” тарзида қўлланган сўз нашрда “кўнглунгга” тарзида табдил қилинган. Ёки 2-ғазалнинг 5-байтида ишлатилган “сайру сулук” ифодаси нашрда “сайру сукун” тарзида табдил қилинган. 3-ғазалнинг биринчи байтидаги “вужудунгга” сўзи нашрда “вужудингга” тарзида келтирилган. Шу ғазалнинг 8-байтидаги “нечук” сўзи нашрда “начук” тарзида, “келдиву” сўзи “келдию” тарзида қўлланган. 4-ғазал 7-байтидаги қўлёзмадаги “ғарқи баҳри” тарзида келган ифодани нашрда изофанинг ўкилиш қоидасига номувофиқ тарзда “ғарқа баҳри” деб ўқилган ва шундай келтирилган. 6-ғазалнинг 2-байтидаги “Масихониву” сўзи “Масихонию” тарзида, 3-байтдаги “гисиву” сўзи “гесуву” тарзида, “сунбуливу” сўзи “сунбулию” тарзида, ҳам вазн қоидалари юзасидан, ҳам изофа шаклидаги сўз бўлганлиги учун “шифтаи лайлан” деб ўкилиши керак бўлган сўз “нашрда “шифта лайлан” тарзида табдил қилинган. Шу ғазалнинг 7-байтидаги “айди” сўзи нашрда “эмди” тарзида қўлланган. Бундан ташқари, нашрда келтирилган 9-ғазалнинг 3-байтидаги “кокулунг” сўзи қўлёзмада “кокилунг” тарзида, 5-байтдаги “Лайлию Мажнун” бирикмаси “Мажнуну Лайли”, 10-ғазалнинг 4-байтидаги “туққонда” сўзи “туғғонда”, 5-байтидаги “дей” сўзи “дея”, 9-байтдаги “бўлса” сўзи “ўлса”, 11-ғазалдаги “эрур” сўзи “бўлур”, 12-ғазалдаги “тахрир” сўзи “такрир”, 5-байтидаги “қаро” сўзи “қора” тарзида ёзилган. Бундай жиддий тафовутларни бартараф этиш девоннинг бошқа қўлёзма нусхаларини ҳам кўздан кечиришни талаб этади, албатта. Бироқ биз юқорида келтирган мисолларнинг аксарияти вазн ва мазмун талаблари юзасидан эканлигини ҳисобга олсак, бу тафовутларнинг асосий қисми матнни ўқиш жараёнидаги кичик бепарқлик сабабидан юзага келгани маълум бўлади. Юқоридагилардан шуни аниқлаш мумкинки, А нашр қўлёзмалар асосида амалга оширилган бўлиб, дастлабки тўлиқ (нисбатан) нашр ҳисобланади. Шу сабабли унда

¹ Note: In this research, we have compared the Navoi gazels in this study, comparable to the manuscript and the above-mentioned publications, in the example of Navoi's 10-volume "Full Collection Collection" (2011).



бир қатор нашрий хатолар мавжуд. Б нашр эса қайта тузатишларга эга бўлиб, анча мукамал. Бироқ куллиётнинг ҳар бирдан 300 га яқин шеър ҳажмий қисқартирилиш туфайли тушириб қолдирилган. В нашр эса тўлиқ ҳажмни сақлаган бўлишига қарамасдан, унда кўплаб ўзгаришлар қилинган. Мафкуравий ёндашувлар ва бошқа бир қатор сабабларга кўра ушбу нашр дастлабки нашрдан фонетик ва лексик хусусиятларига кўра анча фарқланади. Г нашр эса мустақиллик йилларида амалга оширилган бўлиб, девоннинг тўлиқ композицион қурилишини акс эттиради, бироқ солиштиришлар натижасида, аксарият ўринлар В нашр билан бир хил. Ўзгаришлар эса мазмунан тўғирланган. Жуда кам ўринлардаги тафовутлар қўлёзма ёки илк нашр билан бир хил. Бунда нашрдан нашрга қайта тайёрлаш тамойилини кузатиш мумкин. Нашрларни таққослаш шуни кўрсатдики, ярим аср давомида амалга оширилган нашрлар ривожда ҳажман мукамаллаш билан бирга, асл матндан узоқлашув юз берган. Давр тилининг фонетик, график, лексик ва морфемик-морфологик ўзгаришларга учраши кузатилади.

Куллиёт иккинчи марта тўлиқ ҳолда 1990 йил чоп этилган бўлиб, Навоийнинг 20 жилдлик "Танланган асарлар"ининг 3, 4, 5, 6-жилдларига киритилган. Бу нашрда аввалги нашрдаги кўплаб жиддий хатоликлар, жумладан, грамматик, стилистик, орфографик хатоликлар тўғирланган бўлса-да, баъзи ҳолларда аввалги нашрда тўғри бўлган ўринларда хатоликларга йўл қўйилган. Сўнги (Г) нашр эса аввалгиларига қараганда анча мукамал бўлишига қарамай, жиддий нуқсонлардан бутунлай ҳоли деб бўлмайди.

Хулоса. Ҳ. Сулаймон Навоийнинг буюк ва бой лирик меросига бўлган ўзбеклар орасидаги оммавий қизиқишни бошлаб берди. Айни пайтда, 200 дан ортик девонларни ўрганиб чиқиб, "Хазойину-л-маоний" куллиётини нисбатан мукамал ҳолда нашр эттирди. Бироқ девоннинг илк маротаба тўлиқ нашр этилиши, араб имлосидаги чалкашликлар, ҳаттотлар йўл қўйган хатоликлар, шунингдек, нашрда йўл қўйилган камчиликлар ва бошқа бир қатор сабабларга кўра, Ҳ. Сулаймон илмий нашри академик нашр даражасида бўлмаган. Хусусан:

- Куллиётнинг эски ёзувдаги танқидий матни яратилмади ва нашр этилмади;
- Давр нуқтаи назаридан нотўғри талқин қилинган баъзи шеърлар (ғазаллар) тўлиғича киритилмаган;
- Транслитерация билан боғлиқ камчиликлар тўла бартараф этилмаган;
- Байтлар, мисралар, сўзларнинг тушиб қолиши ва сўз қўллаш билан боғлиқ хатоликларга йўл қўйилган;
- Орфографик ва пунктуацион хатоликларга йўл қўйилган ва ҳоказо.

Буни юқоридаги XVI асрга оид "Хазойину-л-маоний" девонининг қўлёзма нусхаси ва нашрлар ўртасидаги жиддий тафовутларнинг кўплиги ҳам тасдиқлайди.



Бизнингча, нашрлардаги тафовутларнинг келиб чиқишига қуйидагилар сабаб бўлган:

Биринчидан, дастлабки илмий нашр бугунгача мукаммаллаштирилмаганлиги;

Иккинчидан, кейинги нашрлар учун асос бўлаётган Б нашр Собиқ иттифоқ даврида дифференцияга учраганлиги;

Учинчидан, асл матндан узоқлашув;

Тўртинчидан, нашрий эҳтиётсизлик;

Бешинчидан, арабча-форсча сўз, ибора ва матнларни табдил қилишда шу тил қонуниятларидан келиб чиқилмаётгани;

Олтинчидан, қадимий битикларимиз, хусусан, Навоий асарлари табдили ва нашрлари учун муайян қонуниятлар ишлаб чиқилмаган ва шу асосда ўзбек матншунослигида аниқ қонуниятлар яратиш муаммоси ҳал этилмаганлиги.

Мухтасар қилиб айтганда, Навоий лирикаси ранг-баранг. Уни келажак авлодга, қолаверса, дунё аҳлига ҳам ўз жилоси билан етказмоғимиз лозим. 2011 йилда нашр этилган Навоийнинг “Тўла асарлар тўплами” етук олимларимизнинг машаққатли меҳнати маҳсули ўлароқ, аввалги нашрлардаги жуда кўплаб жиддий хатоликларга барҳам берди. Аммо юқоридаги таҳлиллар натижаси шунини кўрсатмоқдаки, ушбу куллийнинг Ҳ. Сулаймон тўплаган ноёб нусхалари асосида олимнинг тўплаган тажрибаларига таянган ҳолда, “Хазойину-л-маоний” девонлари қўлёзмаларини танқидий ўрганиш ва академик нашрини яратиш эҳтиёжи юзага келган. Навоийнинг “Хазойину-л-маоний”идаги девонлари нашрларида ҳали-ҳануз транслитерацион муаммоларнинг тўлиқ бартараф этилмагани ушбу хулосани беришимизга етарли даражадаги далилдир. Бу эса, шоир лирик меросининг катта қисмини ўз ичига олган ушбу девон устида келажакда жиддий тадқиқотлар олиб борилиши лозим эканлигини кўрсатади.